**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУЛЛАДЖАНОВА КИМЁХОН АХАТОВНА

ИЛК ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЎТКИР ЮҚУМЛИ ДИАРЕЯЛАРНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.10–Юқумли касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2022

УЎК: 616:34-008.314.4-053

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Мулладжанова Кимёхон Ахатовна
Илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик хусусиятлари 3

Мулладжанова Кимёхон Ахатовна
Клинико-иммунологические аспекты острых инфекционных диарей у детей раннего возраста 27

Mulladzhanova Kimekhon Akhatovna
Clinical and immunological aspects of acute infectious diarrhea in young children 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУЛЛАДЖАНОВА КИМЁХОН АХАТОВНА

ИЛК ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ЎТКИР ЮҚУМЛИ ДИАРЕЯЛАРНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.10–Юқумли касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib904 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Худайқулова Гулнара Каримовна**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Ахмедова Халида Юлдашевна**
тиббиёт фанлари доктори

Ибадова Гулнара Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» июнда соат 14,00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс:(99871) 150-78-25, e-mail: tta 2005@ mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№281 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй.Тел./факс:(99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «14» июнда куни тарқатилди.
(2022 йил «14» июнда даги 150 рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўткир ичак инфекциялари (ЎИИ) билан касалланиш даражаси юқори бўлиб, учраш даражаси бўйича респиратор патологиялардан кейинги ўринда туриши, касалликнинг нохуш оқибатларининг юқорилиги билан долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра, «...дунёда ҳар йили 1 млрд. дан ортиқ киши ўткир диареядан азият чекади»[1], уларнинг 65-70% ни 5 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади. Ўткир юқумли диареяларни ташхислаш, самарали даволаш, диарея билан оғриган беморларда клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш долзарб ҳисобланади. Шу жиҳатдан, болаларда ўткир юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик эрта ташҳисотининг замонавий усулларини қўллаш, даволаш тадбирларини такомиллаштириш, асоратларини олдини олиш амалий тиббиётнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик кечиши ва даволаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, жумладан ўткир юқумли диареянинг этиологик таркиби ва патогенетик турларини қиёсий жиҳатдан аниқлаш, ўткир юқумли диареянинг турли патогенетик вариантларининг клиник ва иммунологик хусусиятларини асослаш, ўткир юқумли диарея асоратларини олдини олиш, диареянинг турли хил патогенетик вариантларини ташхисоти ва уларни даволаш чора-тадбирларини такомиллаштириш кабилар катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббий хизматни ривожлантириш ҳамда жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларни клиник-патогенетик хусусиятлари, ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, «..мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»[2] каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар илк ёшдаги болалардаги ўткир юқумли диареяда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, айнан ўткир юқумли диареяда ўтказилган илмий тадқиқотлар беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

[1] Global Burden of Disease 2018.World Health Organization Geneva.http://www.who.int/publications

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларнинг ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ маълумотларига кўра, сўнгги йилларда энг кенг тарқалган юқумли касалликлар бактериал ва вирусли диареялар ҳисобланади. Ўткир ичак инфекциялари (ЎИК) муаммоси соғлиқни сақлашда энг долзарб ҳисобланади. Бир томондан касалланиш даражаси анча юқори бўлиб қолмоқда, иккинчи томондан, янги серовар лар пайдо бўлиши қайд этилиб, касалликнинг оғир кечишига сабаб бўлмоқда (Ahmed J., Zeenah W., 2020; Cohen R., 2017; Zhou Y, Zhu, 2018).

Сўнгги йилларда болаларда ЎИИ қўзғатувчиларнинг этиологик аҳамияти ўзгарди, этиологик таркибида вирусли диареяларнинг аҳамияти ошмоқда, ротавируслар (7-35%) асосий ўринни ташкил қилади. Болалар ўртасида ротавирус гастроэнтерити ва Норфолк вируслари билан боғлиқ касалликлар ҳам кенг тарқалгандир. Ўткир ичак инфекцияси билан оғриган беморларда ротавирус инфекциясининг учраши 20-60% ни ташкил этади (Алескеев К.П., 2016). Тадқиқотчилар ўз изланишларида болалар ўртасида кечадиган ўткир юқумли ичак касалликларининг клиник кечиши хусусиятлари ва даволашда пробиотик ва метабиотик терапиянинг аҳамиятини ўрганишган (Плоскирева А.А. 2018). Россия олимларининг тадқиқотларига кўра, болалар ўртасидаги номаълум этиологияли деб топилган диареяларда ИЛ-6 нинг юқори кўрсаткичи орқали иммун тизим ўзгаришлари аниқланган (Зайцева Л.Ю. 2017). Ўзбекистонда Даминов Т.А. (2014), Туйчиев Л.Н. (2016), Асилова М.У. (2011), Худайкулова Г.К. (2013), Шаджалилова М.С. (2018) ва Эралиев У.Э.(2016) каби тадқиқотчилар турли ёшдагилар ўртасида бактериал ва вирусли диареяларнинг хусусиятларини аниқлашган.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар, илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареянинг этиологик таркиби ва патогенетик турларини қиёсий жиҳатдан асослаш, ўткир юқумли диареяни ташхисот усулларини ҳамда даволашни такомиллаштириш мазкур тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (давлат рақами 001616-сон).

Тадқиқотнинг мақсади илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик ташхисоти ва даволашни

такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон шаҳри ва Андижон вилояти туманларида илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареянинг этиологик таркиби ва патогенетик турларини қиёсий жиҳатдан асослаш;

илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареянинг турли патогенетик вариантларининг клиник ва иммунологик параметрларини аниқлаш;

Saccharomices Boulardi ва альфа-2b Интерферон дори воситаларидан иборат комплекс даво самарадорлигини баҳолаш, ҳамда илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диарея асоратларини олдини олиш;

диареянинг турли хил патогенетик вариантларининг ташхисоти ва даволаш чора-тадбирлари алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ва Асака юқумли касалликлар бўлимига ётқизилган ўткир диареянинг инвазив ва секретор турлари билан касалланган 3 ёшгача бўлган 152 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардан олинган вена қони, қон лимфоцитлари, нажаси олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник (лаборатория ва инструментал), иммунологик (бевосита розетка ҳосил қилиш реакцияси, тўқима антигенларига нисбатан махсус сенсибиллашган антиген боғловчи лимфоцитларнинг миқдорини аниқлаш усули), иммунохроматографик (нажас намуналаридан вирусларнинг антигенини аниқлаш усули) ва статистик (р, Стьюдент мезонини аниқлаш) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

илк ёшдаги болаларда (3 ёшгача) қўзғатувчининг патогенетик хусусиятларига боғлиқ бўлган диареяларнинг секретор ва инвазив турларига тақсимланган ҳолда даволаш асосланган;

тўқима антигенларига нисбатан махсус сенсибиллашган антиген боғловчи лимфоцитлар, ИЛ- 10, ЎНО-α нинг миқдорини аниқлаш илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларнинг эрта ташхисоти учун асосий мезон эканлиги асосланган;

илк ёшдаги болаларда ўткир диареянинг секретор тури учун ичак дисбактериозининг II-даражаси, инвазив тури учун эса III-даражаси намоён бўлиши исботланган;

болалардаги турли хил юқумли диареяларнинг патогенетик даволашда ичак дисбиозини тиклайдиган терапия асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи тиббий-санитария ёрдам тизими учун диареянинг секретор ва инвазив турини қиёсий ташҳисоти алгоритми такомиллаштирилган;

қиёсий ташҳисот алгоритми туфайли шифохонагача бўлган босқичда даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ўз вақтида ўтказиш имконияти яратилган;

тиббий ёрдамнинг стационар даражаси учун касаллик кечишини башоратлаш, ҳамда асоратлар ривожланишини олдини олишга ёрдам берувчи клиник ва иммунологик мезонлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

илк ёшдаги болаларда ўткир диареяни даволаш тадбирлари такомиллаштирган.

илк ёшдаги болаларда ўткир диареяни даволашда Saccharomices Boulardi ва альфа-2b Интерферон қўллашни самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилган, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларнинг патогенетик турлари аниқланганлиги, ўткир юқумли диареяларнинг клиник ва лаборатория таҳлиллари кўрсаткичлари бўйича эрта ташхисотининг мезонларини асосланганлиги, ичак микробиоценозидаги ўзгаришлар, кечишини башоратловчи иммунологик мезонлар ўткир юқумли диарея асоратларини ривожланишини олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, болалардаги юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик ташхисотининг ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқилиши ҳамда Saccharomices Boulardi ва альфа-2b Интерферон дори воситаларидан фойдаланиш, касалликни асоратларини камайтиришга, даволаш самарадорлигини оширишга, стационарда ўрин кунини қисқаришига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илк ёшдаги болалар ўткир юқумли диареяларининг клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диаряларни эрта ташҳисоти ва даволашдаги ёндошувлар бўйича олинган илмий натижалар асосида **«**Илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяни ташхислаш, патогенетик даволаш ва олдини олиш алгоритми**»** номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н/659 - сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома турли хил этиологияли диареяларни қиёсий мезонларини ажратиб олиш, илк ёшдаги болаларда клиник-иммунологик кўрсаткичларни аниқлаш асосида касаллик асоратларини башоратлаш ҳамда даволашни оптималлаштириш имконини берган;

илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётида, жумладан Андижон вилояти кўп тармоқли болалар шифохонаси, Асака шаҳар тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар

бўлими ва Андижон вилоят юқумли касалликлар шифохоналари фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 14 июндаги 08-20278-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларни амалиётга тадбиқ этиш илк ёшдаги болаларда инвазив ва секретор диареяларни эрта ташхислашда баҳолашни самарадор механизмини аниқлаш ҳамда мажмуавий даволашга α -2b Интерферон ва Saccharomices Boulardi дори воситаларини киритиш орқали даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро иштирокдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 9 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр этилган(SCOPUS базасида ҳам).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишонарлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареянинг ташхисоти ва даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида илк ёшдаги болаларда диареянинг этиопатогенетик, эпидемиологик, клиник-иммунологик қирраларини ўрганиш, ичак экотизимидаги ўзгаришлар ҳамда даволашнинг замонавий ёндошувларига оид илмий адабиётларнинг таҳлили берилган.

Диссертациянинг «**Илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареянинг текширув усуллари ва материалларининг тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг предмети, объекти ҳамда қўлланилган тадқиқот усулларига таъриф берилган.

Тадқиқот объекти - 3 ёшгача бўлган ўткир юқумли диарея билан касалланган 152 нафар беморлар маълумотлари бўлди. Тадқиқот иши 2011 йилдан 2020 йилгача Андижон вилоятидаги юқумли касалликлар шифохонаси клиникасида ва Асака тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлимида олиб борилди. Кузатувдаги беморлар 2 та гуруҳга

ажратилди: 1-гуруҳ – секретор диареяли болалар (n=104), 2-гуруҳ - инвазив диареяли болалар (n=48). Шаҳар аҳолисини 52 нафар болалар (34,2%), қишлоқ аҳолиси – 100 нафарни (65,8%) ташкил қилди. Жинс бўйича тақсимлашда ўғил болалар, қиз болаларга нисбатан кўп бўлди (мувофиқ равишда 57,9% ва 42,1%).

1- расмда кўриниб турганидек, секретор каби инвазив ўткир диареялар 6-12 ойлик болалар ўртасида кўпроқ рўйхатга олинди (мос равишда 53,8% ва 43,8%), чунки кўпинча ушбу ёшда болаларга қўшимча овқат берилади, болалар атроф муҳит предметлари (ўйинчоқлар ва ҳ.к.) билан мулоқот қилишни бошлашади.



1- расм. Беморларни ёши бўйича тақсимланиши (% да)

Болалар ўртасидаги овқатланиш таҳлил қилинганда маълум бўлдики, ўткир диареяли болалар ўртасида овқатланишнинг аралаш тури устунлик қилди. Секретор диареяда аралаш овқатланиш турининг улуши 44,2% ни, инвазив диареяда эса 47,9% ни ташкил қилди (2-расм).

Анамнестик кўрсаткичлар таҳлилида маълум бўлдики, 16,6% болалар уй шароитида мустақил даволаниш ҳисобига шифохонага кеч ётқизилган.

Аниқланган ҳамроҳ патологиялар орасида: камқонлик (50,6%), МАТ зарарланиш касалликлари (48,6%), аллергик ҳолатлар (21,7%), сурункали бронхит (13,1%) устунлик қилди.

Секретор диареяда мулоқот юқиш йўли (29,8%) ва номаълум сабаблар (27,8%) устунлик қилди. Инвазив диареяда эса инфекцияни алиментар (29,5%) ва сув орқали юқиш йўллари (31,2%) кўп ҳолатларда рўйхатга олинди. Бу эса қишлоқда яшовчи беморларниг артезиан сувидан фойдаланишлари ва сувни сақлашда гигиеник қоидаларга риоя қилмасликлари аниқланди.



2-расм. Ўткир диареяли болаларда овқатланиш турлари (%да)

Текширувдаги болаларнинг кўп қисмини 1 ёшгача бўлган болалар ташкил қилганлиги сабабли биз болаларнинг ротавирусга қарши эмланганлик маълумотларини йиғдик ва қуйидаги келтирилган 1-жадвалдаги маълумотларга эга бўлди.

1-жадвал

Ўткир диарея ташхиси билан касалланган болаларнинг ротавирусга қарши эмланганлик тўғрисидаги маълумотлар

	Секретор диарея (n=104)		Инвазив диарея(n=48)		p
	Мутлақ рақамда	%(M±m)	Мутлақ рақамда	%(M±m)	
Эмланмаганлар	47	45,1±0,6	13	27,0±0,7	<0,05
Тўлиқ эмланмаганлар	33	31,7±0,5	21	43,7±0,9	<0,05
Тўлиқ эмланганлар	24	23,0±0,4	14	29,0±0,7	<0,05

Секретор диареяли беморлар орасида эмланмаган болалар, инвазив диареяли болаларда эса тўлиқ эмланмаганлар кўпчиликни ташкил қилди.

Режалаштирилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

Умумклиник текшириш: анамнез маълумотларини йиғиш, динамикада касаллик клиник кечиши ва оқибатларини баҳолаш, қоннинг умумий клиник таҳлили, копрограмма, нажаснинг бактериологик текшируви (қўзғатувчини ва ичак микрофлорасини аниқлаш билан).

Иммунологик тадқиқотлар Андижон давлат тиббиёт институтининг Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида (лаборатория мудири – т.ф.д., профессор В. А. Алейник) ўтказилди.

ИЛ-10 ва ЎНО-α интерлейкинларини аниқлаш учун Вектор-Бест (Россия) диагностикуми қўлланилди.

Антиген боғловчи лимфоцитларни (АБЛ) миқдорий аниқлашда бевосита розетка ҳосил қилиш реакцияси қўлланилди (Гариб Ф.Ю., 1983, 1988, 1995). Мия, жигар, ингичка ва йўғон ичак тўқима антигенларига нисбатан АБЛ миқдорини аниқлаш учун Гариб Ф.Ю., 1915-2000 услуби бўйича тайёрланган диагностикумдан фойдаланилди.

Нажаснинг вирусологик текшируви (иммунохромотографик таҳлил) иммунохоромотографик экспресс синама ёрдамида ўтказилди (БиоХимМак, Россия). Синаманинг солиштирма сезгирлиги-98%, солиштирма махсуслиги-99%.

Кўрсаткичлари тақсимлашнинг статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида ўтказилди. Тадқиқот давомида олинган маълумотлар статистик ишлов учун ХК Pentium-IV компьютерида ўтказилди, Microsoft Office Excel - 2012 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов беришнинг дастурланган вазифаларига киритилди. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усулларини қўллаган ҳолда ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача стандарт хатолик (m), нисбий қийматлар (учраш даражаси, %) ҳисоблаб топилди. Қийматларнинг ўртача қийматини таққослаш йўли билан олинган маълумотлар Стьюдент мезони асосида (t) хатолик эҳтимолини (R) текшириш учун, меъёрий тақсимланишни текшириш учун (ошиб бориш мезони бўйича) ва умумий фарқлар тенглиги (F-Фишер мезони) баҳоланди.

Диссертациянинг **«Инвазив ва секретор диареяли беморларнинг клиник ва лаборатория кўрсаткичлари бўйича тавсифи»** номли учинчи боби илк ёшдаги болаларда турли хил диареянинг клиник хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Бемор болаларда инвазив ва секретор диареяларни клиник белгиларнинг намоён бўлишини ўргандик, таҳлил натижалари 3-расмда кўрсатилган. Секретор диареянинг клиник кўринишига дегидратация синдроми белгилари хос бўлди, чунки диарея синдроми яққол намоён бўлди.

Инвазив диареяга эса интоксикация синдроми белгилари кўпроқ хос бўлди. Секретор диареяли беморларда энтерит синдроми, инвазив диареяли беморларда эса энтероколит синдроми устунлик қилди.



3-расм. Секретор ва инвазив диареяларда асосий клиник синдромлар (% да)

Дегидратация даражаси ЖССТнинг (2006) тавсияларига асосланиб баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал

ЖССТ бўйича беморларда дегидратацияни баҳолаш

	Сувсизланиш йўқ	Ўрта-оғирликда	Оғир сувсизланиш
Эътибор беринг: Умумий аҳвол*	Яхши, фаол	Безовта, қўзғалувчан	Ҳушсиз ёки руҳияти паст
Кўзлари*	Меъёрда	Чўккан	Чўккан
Чанқаш	Яхши ичади, чанқаш йўқ	Чанқаш, ташналик билан ичади	Ича олмайди
Текширинг: Тери бурмалари симптоми	Тезда текисланади	Секин текисланади	Жуда секин текисланади

Ўртача ва оғир дегидратациянинг кечиши секретор диареяларга хос бўлди (3-жадвал).

3- жадвал

Ўткир диареяли беморларда дегидратация даражалари (n=152)

Сувсизланиш гуруҳлари	Секретор диарея (n=104)		Инвазив диарея (n=48)		p
	м.р.	%	м.р.	%	
Сувсизланиш йўқ	17	16,3	27	56,2	<0,001
Ўртача даража	57	54,8	15	31,2	<0,001
Оғир даражада	30	28,8	6	12,6	<0,001

Илк ёшдаги болаларда ўткир диареяларнинг секретор ва инвазив турларида касалликнинг кечиш оғирлигида сезиларли фарқларни кузатмадик (4-расм).



4-расм. Ўткир диареянинг турли хил патогенетик турларида касалликнинг оғирлик даражаси (% да)

Биз, ўткир диареяли болаларнинг гемограмма қўрсаткичларини таҳлил этдик (4-жадвал). Инвазив диарея учун секретор диареяга нисбатан лейкоцитоз, ЭЧТни тезлашиши хос бўлди (P<0,05).

Лейкоформулада инвазив диарея билан оғриган болаларда лейкоформуланинг чап томонга силжиши, секретор диареяли болаларда эса кўпроқ лимфоцитоз билан тавсифланди.

4-жадвал

Беморлардаги қоннинг умумий тахлилини клиник баҳолаш

		Секретор диарея (n=104) % (M±m)	Инвазив диарея (n=48) % (M±m)	p
Қоннинг умумий таҳлили кўрсаткичлари	Гемоглобин, г/л	101,2±1,8	98,9±2,0	<0,05
	Эритроцитлар, 10^{12}/л	3,0±0,03	3,2±3,0	
	Ранг кўрсаткичи	1,1±0,01	0,9±0,0	
	Лейкоцитлар, 10^{9}/л	5,4±0,1	10,1±0,1	<0,05
	ЭЧТ, мм/с	2,5±0,2	9,0±0,2	<0,05

Нажасда инвазив диареяларда лейкоцитлар (77,0%), эритроцитлар (12,5%), шиллиқ (98,8%) миқдорини ошиши хос бўлди. Секретор диареяларда эса бу ўзгаришлар намоён бўлмади (5-жадвал).

5-жадвал

Беморларда умумий нажас таҳлили натижаларини клиник баҳолаш

		Секретор диарея (n=104)% (M±m)	Инвазив диарея (n=48)% (M±m)	p
Копрология кўрсат-кичлари	Лейкоцитлар	18,3±0,2	77,0±1,6	<0,05
	Эритроцитлар	-	12,5±0,3	-
	Шиллиқ	55,8±0,3	98,8±2,0	<0,05

5-расмда келтирилган илк ёшдаги болалар ўткир диареясида этиологик тузилишини ўзига хослик билан ажралиб турибди.

Диареянинг секретор типи учун кўпроқ вирус этиологияли қўзғатувчилар (87,5%), яъни ротавируслар ва норовируслар хос бўлди.

Инвазив диареяларда бактериал қўзғатувчилар ва шартли патоген микроблар кўпроқ аниқланди.



5-расм. Секретор ва инвазив диареяларни этиологик таркиби (% да)

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида ўткир диареяли болаларда ичак микробиоценозини ўргандик. Таҳлил натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Секретор ва инвазив диареялардаги дисбактериоз ҳолати

Дисбактериоз даражалари	Секретор диарея (n=104)		Инвазив диарея (n=48)	
	мутлақ рақамда	M±m	мутлақ рақамда	M±m
1-даража	19	18,2±0,4	14	29,3±0,7
2-даража	57	54,8±0,7*	10	20,8±0,6
3- даража	25	24,2±0,4	22	45,8±0,9**
4-даража	3	2,8±0,1	2	4,1±0,2

Изоҳ: *- Дисбактериознинг 2-даражаси билан секретор диареяли беморлар кўрсаткичлари инвазив диареядаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқлар ишончли, ($p<0,001$). **-Дисбактериознинг 3-даражаси билан инвазив диареяли бемор болалар кўрсаткичлари секретор диареяли беморлар орасидаги фарқлар ишончли ($p<0,05$).

Секретор диарея билан оғриган болаларда 2-даражали дисбактериоз инвазив диарея билан оғриган болаларга қараганда 2,6 баравар кўпроқ содир бўлиши аниқланди (54,8% ва 20,8% мос равишда, $p<0,001$). Бунинг сабаби шундаки, секретор диареяларда ферментларни ишлаб чиқариш камаяди ва ачиш жараёни ортади. Аксинча, инвазив диареяли болаларда 3-даражали дисбактериоз 1,9 баробар кўп учраши маълум бўлди ($p<0,05$).

Дисбактериознинг 1- ва 4-даражаларининг учраши бўйича иккала гуруҳ кўрсаткичлари орасида ишончли фарқлар кузатилмади.

Биз, диареяли болаларда ичак микробиоценози кўрсаткичларининг ўзгариши болаларнинг овқатланиш турига боғлиқ эканлигини ўргандик. (7- ва 8-жадваллар).

7-жадвал

Секретор диареяли беморларда ичак микрофлорасининг кўрсаткичлари (овқатланиш турига нисбатан)

т/р	Ичак микро-биоценози кўрсаткичларининг патологик ўзгаришлари	**Овқатланиш тури**						**p**
		Табиий		**Сунъий**		**Аралаш**		
		n=37		n=21		n=46		
Индиген микрофлора кўрсаткичлари								
		м. р.	M±m	м. р.	M±m	м. р.	M±m	
1	*E.coli*- меъёр ферментатив фаолликда (КҲКБ 10^{5-6})	14	37,8±1,0	15	71,4±1,8[1]	26	56,5±1,1 [2,3]	$p_1<0,05$ $p_2>0,05$ $p_3<0,05$
2	Бифидумбактериялар (КҲКБ 10^{5-6})	9	24,3±0,8	13	61,9±1,7[1]	22	47,8±1,0[2,3]	$p_1<0,001$ $p_2<0,05$ $p_3>0,05$
3	Лактобактериялар (КҲКБ 10^{5-6})	6	16,2±0,6	12	57,1±1,6[1]	14	30,4±0,8[2,3]	$p_1<0,001$ $p_2<0,05$ $p_3<0,05$
Факультатив микрофлоранинг кўрсаткичлари								
1	*Proteus vulgaris* (КҲКБ 10^{7-8})	8	21,6±0,7	9	42,8±1,4[1]	18	39,1±0,9[2,3]	$p_1<0,005$ $p_2>0,05$ $p_3>0,05$
2	*Klebsiella* (КҲКБ 10^{8-9})	6	16,2±0,6	11	52,3±1,5[1]	13	28,2±0,7 [2,3]	$p_1<0,001$ $p_2>0,05$ $p_3<0,05$
3	*Enterococcus spp*(КҲКБ 10^{6-7})	4	10,8±0,5	12	57,1±1,6[1]	14	30,4±0,8[2,3]	$p_1<0,001$ $p_2<0,003$ $p_3<0,05$

Изоҳ: [1-] Табиий ва сунъий овқатланишдаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги; [2]- Табиий ва аралаш овқатланишдаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги; [3]-Сунъий ва аралаш овқатланишдаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги.

8-жадвалдаги олинган маълумотларга кўра, секретор диареяли эмизикли болаларда ичак микробиоценози кўрсаткичларида оғишлар сунъий ва аралаш

овқатланишдаги болаларга нисбатан сезиларли даражада камроқ қайд этилган (p<0,001).

8-жадвал

Инвазив диареяли беморларда ичак микрофлорасинингкўрсаткичлари (овқатланиш турига нисбатан)

т/р	Ичак микробиоценози кўрсаткичларининг патологик ўзгаришлари	Овқатланиш тури						p
		Табиий		Сунъий		Аралаш		
		n=9		n=23		n=16		
Индиген микрофлора кўрсаткичлари								
		м.р.	M±m	м.р.	M±m	м.р.	M±m	
1	E.coli-меъёр ферментатив фаолликда (КҲКБ 10^{5-6})	2	22,2±1,5	13	56,5±1,5[1]	9	56,2±1,8 [2,3]	p_1<0,05 p_2>0,05 p_3>0,05
2	Бифидумбактериялар (КҲКБ 10^{5-6})		33,3±1,9	15	65,2±1,6[1]	7	43,7±1,6 [2,3]	p_1<0,001 p_2>0,05 p_3>0,05
3	Лактобактериялар (КҲКБ 10^{5-6})	2	22,2±1,5	17	73,9±1,7[1]	6	37,5±1,5 [2,3]	p_1<0,001 p_2>0,05 p_3<0,05
Факультатив микрофлоранинг кўрсаткичлари								
1	Шартли-патоген энтеробактериялар (КҲКБ 10^9)	2	22,2±1,5	14	60,8±1,6[1]	7	43,7±1,6 [2,3]	p_1<0,001 p_2>0,05 p_3>0,05
2	*Staphylococcus Hemolyticus* (КҲКБ 10^8)	1	11,1±1,1	12	52,1±1,5[1]	6	37,5±1,5[2,3]	p_1<0,001 p_2<0,001 p_3>0,05
3	*Candida spp.* (КҲКБ 10^7)	1	11,1±1,1	9	39,1±1,3[1]	5	31,2±1,3[2,3]	p_1<0,001 p_2<0,001 p_3>0,05

Изоҳ: [1-] Табиий ва сунъий овқатланишдаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги; [2]- Табиий ва аралаш овқатланишдаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги;[3]-Сунъий ва аралаш овқатланишдаги беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги.

Сунъий ва аралаш овқатлантиришдаги болаларда ичак микрофлорасининг кўрсаткичлари қиёсий таҳлил этилганда, сунъий

овқатлантиришдаги болалар гуруҳида салбий натижалар қайд этилди.

Шунга ўхшаш тенденциялар инвазив диареяда кузатилган.

Олинган натижалар кўпчилик тадқиқотчиларнинг боланинг ўткир диарея даврида ҳам эмизишнинг афзалликлари ҳақидаги фикрини тасдиқлайди.

Диссертациянинг **«Инвазив ва секретор диареяларда ҳужайравий иммунитетнинг кўрсаткичларини клиник баҳолаш»** деб номланган тўртинчи бобида ИЛ-10 ва ЎНО-альфа ҳамда жигар, мия, ингичка ва йўғон ичак тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитлар кўрсаткичлари таҳлили натижалари баён этилган. АБЛ аниқлаш реакцияси юқумли касалликлар диагностикасида муҳим ўринни эгаллайди. Маълумки организмга бирон бир қўзғатувчи кириши билан иммун жавоб шаклланади. Натижада қўзғатувчи антигенларига қарши йўналтирилган иммунологик ўзгаришлар ҳужайравий ва гуморал реакция кўринишида намоён бўлади. Касаллик ривожланишининг дастлабки босқичларида бу асосан ўзига хос ҳужайравий сезгирлик билан намоён бўлади (6-расм).



6-расм. Ўткир диареяли беморларда ҳужайравий иммунитетнинг кўрсаткичлари (% да)

Секретор ва инвазив диареяли бўлган болаларда яллиғланишга қарши ва яллиғланишни келтириб чиқарувчи цитокинларнинг сезиларли даражада кўпайиши кузатилди. Диареянинг секретор тури бўлган беморларда ИЛ-10 нинг қиймати инвазив диарея билан оғриган беморлардаги қийматлардан ва даражасидан бироз фарқ қилди. (1,25 ва 1,1 баробар, мос равишда).

Аксинча, инвазив диареяли болаларда ЎНО-α кўрсаткичи қиёсий гуруҳга нисбатан 1,3 марта юқори бўлди (p<0,05). Бу шуни кўрсатадики, оғир интоксикация натижасида ҳужайравий иммунитет тушиб кетади, шу муносабат билан инвазив диареядаги асосий клиник, лаборатор ва патогенетик ўзгаришлар биринчи навбатда цитокин тизимидаги бузилишлар туфайли юзага келади**.**

Секретор диареяли болаларга нисбатан инвазив диареяли болаларда мия тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитлар кўрсаткичи 1,5 баробар, жигар тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитлар кўрсаткичи эса 1,1 баробар юқори бўлди. Бу кўрсаткичлар беморларда полиорган яллиғланишни ва тўқималардаги деструктив жараёнлар туфайли намоён бўлишини кўрсатди.

Инвазив диарея билан оғриган беморларга нисбатан секретор диареяли беморларда ингичка ичак тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган АБЛ кўрсаткичлари 1,3 марта, секретор диареяли беморларга нисбатан инвазив диареяли беморлардаги йўғон ичак тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган антиген боғловчи лимфоцитлар кўрсаткичлари миқдорининг кўрсаткичи 2,1 марта кўп бўлган.

Шундай қилиб, ушбу усулдан фойдаланиш яллиғланиш жараёнининг жойини аниқлашга, шунингдек, прогностик мезон сифатида ишлатилиши мумкин бўлган органдаги яллиғланиш ва некроз жараёнларининг жадаллигини баҳолашга имкон беради.

Диссертациянинг **«Илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларни мажмуавий даволашга Saccharomices Boulardi ва α -2b Интерферон препаратларини киритиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган бешинчи бобида ўткир диареяларнинг турли патогенетик типларини даволашнинг таҳлили натижалари келтирилган.

Беморларни даволаш гуруҳлари бўйича тақсимланиши 7-расмда келтирилган. ЎИКнинг асосий терапияси диетотерапия, регидратация (беморнинг аҳволига қараб оғиз ёки парентерал), тайинлаш, рух ва сорбент препаратларини ўз ичига олади.

Мажмуавий даволаш гуруҳи 2 та кичик гуруҳларга ажратилди: 2А гуруҳига секретор диареяли 54 нафар бемор болалар, даволашда Saccharomyces boulardii+ α-2β Интерферон (виферон) кўрсатмаларга мувофиқ буюрилган. 2В гуруҳига инвазив диареяли 38 нафар бемор болалар киритилган, уларнинг комплекс даволашда Saccharomyces boulardii+Нифуроксазид буюрилган.



7-расм.Беморларнинг даволаш гуруҳларига тақсимланиши

8- ва 9- расмларда илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларни даволашдан аввалги ва кейинги кўрсаткичлар келтирилган.



8-расм. Илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларни даволашгача бўлган клиник кўрсаткичлари (%да)



9-расм. Илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларни даволашдан кейинги клиник кўрсаткичлари (%да)

9-расмдан кўриниб турибдики, мажмуавий даволаш касалликнинг асосий клиник кўринишларига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди.

Болаларда ичак микробиоценози кўрсаткичларининг ўзгаришини даволашга қараб таҳлил қилдик. 2А кичик гуруҳда мажмуавий даволашдан сўнг болаларнинг аксарияти (беморларнинг 70% дан ортиғи) индиген микрофлоранинг кўрсаткичларини нормага деярли яқинлашишини кўрсатди ($p<0,001$). 2В гуруҳида ҳам ижобий ўзгариш кузатилди, аммо 2А гуруҳидаги каби аниқ эмас ва базис терапия гуруҳига нисбатан ишончсиз ($p>0,05$).

9-жадвал

Даволашдан кейинги ҳужайравий иммунитетнинг кўрсаткичлари (n=152)

Кўрсаткичлар	Меъёрий кўрсаткичлар	Базис терапия (n=60)	Мажмуавий терапия		
			2А гуруҳ (n=54)	2В гуруҳ (n=38)	p
IL- 10пг/мл	20	18,5±1,8	20,1±0,4[1]	19,6±1,9	<0,05
ЎНО-α пг/мл	6	6,9±0,8	5,9±0,7	6,8±0,8[2]	<0,05
Мия ТАГ АБЛ %	2,26± 0,13	2,76± 0,13	2,2±0,13	2,67±0,13[2]	<0,05
Жигар ТАГ АБЛ %	1,64±0,13	2,64±0,13	1,7±0,13	2,2±1,6[2]	<0,05
Ингичка ичак ТАГ АБЛ %	2,21±0,13	2,31±0,13	2,20±0,13[1]	2,25±0,13	<0,05
Йўғон ичак ТАГ АБЛ %	2,5±0,2	3,5±0,3	2,5±0,2	2,8±0,3[2]	<0,05

Изоҳ: [1]- 2А кичик кўрсаткичлари назорат гуруҳи беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги.[2]- 2В кичик гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги.

9-жадвалда ИЛ – 10 кўрсаткичи 2А гуруҳидаги болаларда меъёрий кўрсаткичлар ҳолатда, таққослаш гуруҳида эса кўрсаткичлар камроқ даражада намоён бўлди. Шундай қилиб, таққосланган гуруҳлардаги болаларда тузалиш даври чўзилган характерга эга бўлди.

Мажмуавий даволаш, шунингдек, ингичка ва йўғон ичак тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган АБЛ кўрсаткичлари учун ижобий таъсир кўрсатди. Базис терапияни олган болалар гуруҳида ҳам пасайиш тенденцияси кузатилди, аммо унчалик аҳамиятли эмас.

10-жадвалда асосий ва назорат гуруҳида даволаш самарадорлиги кўрсаткичлари келтирилган.

10-жадвал

Ўткир диареяли болаларда даволаш самарадорлиги кўрсаткичлари

Симптомлар	**Назорат гуруҳи (n=60)**	**2А гуруҳи (n=54)**	**2В гуруҳи (n=38)**	**p**
Интоксикациянинг 3 кун давомида пасайиши	11,6±0,4	37,0±0,8[1]	21,0±0,7[2,3]	$p^1<0,001$ $p^2>0,05$ $p^3>0,05$
Электролит-сув балансининг 5 кун давомида тикланиши	53,3±0,9	62,9±1,0 [1]	73,6±1,3 [2,3]	$p^1<0,05$ $p^2<0,05$ $p^3>0,05$
Нажаснинг 7 кунгача нормаллашуви	18,3±0,5	-	5,2±0,3	
Нажаснинг 7 кундан ортиқ вақт давомида нормаллашуви	6,7±0,3	-	-	

Изоҳ: [1]- 2А гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги. [2]- 2В гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги. [3]- 2А гуруҳи кўрсаткичлари 2В гуруҳи беморлар кўрсаткичлари орасидаги фарқнинг ишончлилиги.

Умуман олганда, мажмуавий даволаш фонида бўлган ўткир ичак касалликлари беморларининг 93,3% да ижобий терапевтик таъсирга эришилди. Мажмуавий давони қўллаш ўрин кунларини қисқаришига (4,3±0,1 даволаш гуруҳида, назорат гуруҳида эса –7,0±0.2 ($p<0,02$) олиб келди, бу шубҳасиз иқтисодий аҳамиятга эга.Тавсия этилган мажмуавий терапия туфайли даволаниш нархи, шунингдек болалар учун оғриқли парентерал муолажалар сони камайтирилди. Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимиз замонавий пробиотиклар, вирусга қарши ва микробларга қарши препаратларни киритиш билан ўткир диареянинг турли патогенетик турларини комплекс даволаш самарадорлигини намойиш этди.



10- расм. Болалардаги юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик диагностикаси алгоритми



11-расм. Болалардаги юқумли диареяларни даволаш алгоритми

ХУЛОСАЛАР

«Илк ёшдаги болаларда ўткир юқумли диареяларнинг клиник-иммунологик хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Андижон шахри ва Андижон вилоятида илк ёшдаги болаларда (3 ёшгача) ўткир юқумли диареялар таркибида диареянинг секретор тури инвазивга нисбатан (68,4%) устун келди (31,6%). Этиологик тузилишда диареянинг секретор тури бўлган болаларда рота ва норовируслар (87,5%), диареянинг инвазив турида эса *S. tiphymurium* (37,5%) устунлик қилган.

2. Ичак микробиоценозининг бузилиши диареянинг инвазив тури учун кўпроқ хос эди. Секретор диареяли болаларда 2-даражали дисбактериоз инвазив диареяли болаларга қараганда 2,6 баравар кўп учради (54,8% ва 20,8%, мос равишда $p<0,001$). Аксинча, инвазив диареяли болаларда 3-даражали дисбактериоз 1,9 баравар кўп рўйхатга олинган ($p<0,05$).

3. Секретор диареяларда патологик жараён ингичка ичакда содир бўлиб, ингичка ичак тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган АБЛ юқори кўрсаткичи билан тасдиқланган (инвазив диареяга нисбатан 1,3 баравар юқори). Аксинча, инвазив диареяда йўғон ичак тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган АБЛ кўрсаткичи секретор диареяга қараганда 2,1 марта юқори эди. Диареянинг иккала турида ҳам мия ва жигар тўқима антигенларига нисбатан махсус сезгирлиги оширилган АБЛ кўрсаткичлари юқори бўлди, бу эса организмда эндоген интоксикация жараёни кечаётганлигидандир.

4. Касаллик авжида назоратдаги қийматларга нисбатан ИЛ-10 ва ЎНО-α кўрсаткичларининг ошиши, кейинчалик уларнинг касаллик динамикасида меъёрлашуви кузатилди. Хужайравий иммунитетнинг пасайиши диареянинг инвазив турига кўпроқ хос бўлди.

5. Диареяларнинг мажмуавий даволашига пробиотик Saccharomyces boulardii билан биргаликда этиотроп препаратларни диареянинг патогенетик турига қараб (Интерферон α-2b ва Нифуроксазид) киритиш клиник-иммунологик ва микробиологик кўрсаткичларни сезиларли даражада тез тикланишига, даволаниш ва соғайиш муддатини қисқаришига ёрдам беради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ, РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ЭПИДЕМИОЛОГИИ, МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И ПАРАЗИТАРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

МУЛЛАДЖАНОВА КИМЁХОН АХАТОВНА

КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОСТРЫХ ИНФЕКЦИОННЫХ ДИАРЕЙ У ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА

14.00.10 – Инфекционные болезни

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № B2019.2.DSc/Tib904.

Диссертационная работа выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) и резюме (на английском языке) размещен на веб-странице ТМА (www.tma.uz) и информационно-образовательного портала «Ziionet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Худайкулова Гульнара Каримовна**
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Ахмедова Халида Юлдашевна**
доктор медицинских наук

Ибадова Гульнара Алиевна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета при Ташкентской медицинской академии, Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 «22» ноября 2022 г. в 14.00 часов (Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фароби №2. Тел/факс: +99871-150-78-25 e-mail: tta2005@mail.ru).

С содержанием диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована под № 881). (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул.Фароби, дом 2. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан 2022год «14» ноября
(2022 года _____от «14» ноября протокола рассылки № 150).

Л.Н.Туйчиев
Председатель научного совета
присуждению учёных степеней,
д.м.н., профессор

Н.У.Таджиева
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.м.н., доцент

Б.М. Таджиев
Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.м.н., доцент

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
O'ZBEKISTON

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Острые кишечные инфекции (ОКИ), занимающие одно из ведущих мест во всем мире после респираторных патологий с высокой частотой нежелательных последствий заболевания, являются актуальной проблемой здравоохранения. По данным ВОЗ в мире «...ежегодно заболевают острыми диареями более 1 млрд. человек, из которых 65-70% составляют дети в возрасте до 5 лет»[3]. В связи с этим использование современных методов ранней клинической и иммунологической диагностики острой инфекционной диареи у детей, совершенствование лечебных мероприятий, профилактика осложнений остаются приоритетными направлениями практической медицины.

В настоящее время проводится ряд научных исследований с целью изучения клинико-иммунологического течения и достижения эффективности лечения острой инфекционной диареи у детей раннего возраста. Большое значение в этом отношении имеет сравнительное определение этиологической структуры и патогенетических типов острой инфекционной диареи, обоснование клинических и иммунологических характеристик различных патогенетических вариантов острой инфекционной диареи, профилактика осложнений острой инфекционной диареи, диагностика различных патогенетических вариантов диареи и совершенствование лечебных мер.

В нашей стране особое внимание уделяется исследованиям, направленным на развитие медицинских услуг и адаптацию к требованиям мирового и международного уровня, клинико-патогенетическим особенностям инфекционных заболеваний, оптимизации диагностики и лечения. Для этого определены задачи «...в нашей стране повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи населению, формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей патронажных служб и диспансеризации, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний»[4]. Эти задачи направлены на повышение уровня качества медицинской помощи при острой инфекционной диарее у детей раннего возраста, а именно проведение научных исследований по острой инфекционной диарее, что позволяет повысить эффективность медицинской помощи пациентам.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению в рамках исполнения задач, отраженных в постановлениях Республики Узбекистан № УП–4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП–5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, и других

[3] Global Burden of Disease 2018.World Health Organization Geneva.http://www.who.int/publications.
[4] Указ Президента Республикаси Узбекистан № УП–5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В последние годы, по данным ВОЗ, наиболее распространенными инфекционными заболеваниями являются бактериальная и вирусная диарея. Проблема острых кишечных инфекций (ОКИ) является наиболее актуальной в здравоохранении. С одной стороны, уровень заболеваемости остается довольно высоким, с другой стороны, отмечается появление новых сероваров, что вызывает тяжелое течение заболевания (Ahmed J., Zeenah W., 2020; Cohen R., 2017; Zhou Y., Zhu, 2018).

В последние годы изменилась этиологическая структура возбудителей ОКИ у детей, возрастает значение вирусной диареи в этиологическом аспекте, основное место занимают ротавирусы (7-35%). Среди детей наиболее распространены ротавирусный гастроэнтерит и заболевания, вызванные вирусом Норфолка. У пациентов с острой кишечной инфекцией частота ротавирусной инфекции составляет 20-60% (Алексеев К.П. 2016).

В своих трудах исследователи изучили особенности клинического течения острых инфекционных кишечных заболеваний у детей и важность пробиотической и метаболической терапии в лечении (Плоскирева А.А. 2018). Согласно исследованиям российских ученых, у детей с диареей неустановленной этиологии, выявлены изменения в иммунной системе за счет высоких показателей ИЛ-6 (Зайцева Л.Ю. 2017).

В Узбекистане в научных работах Т.А.Даминова (2014 г.), Л.Н.Туйчиева (2016 г.), М.У.Асиловой (2011 г.), Г.К.Худайкуловой (2013 г.), М.С. Шаджалиловой (2018 г.) и У.Э.Эралиева (2016 г.) изучены особенности течения бактериальных и вирусных диарей у больных различных возрастных групп.

Мнения, приведенные выше, в изучении этиологической структуры и в сравнении патогенетических типов острой инфекционной диареи у детей раннего возраста, совершенствовании методов диагностики и лечения острой инфекционной диареи, указывают на актуальность данного исследования.

